



# ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 14 ноябр, сешанба №165 (997)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒНА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

# XXI



## АСРГА 47 КҮН ҚОЛДИ

Озод юртда, обод юртда бор

Хур ўлкада мудом йўлдош, ёр

Хали не-не Алпомишлар тугилажак,

Бахтинг бошда гултож энди

келажак,

келажак.

келажак.

келажак.

келажак.

Ўзбекмомо. Музаффақ ҲОСИДОВ

## КҮН ТАРТИБИДА - НАЗОРАТ МАСАЛАЛАРИ

**Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солиш ишларининг якунлари муҳокама қилинди.**

**Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси, Республика кенгаши раиси Т.Алимов бошқарди.**

Тўққиз ой мобайнида ўтказилган текширувлар сони ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан 34 мингтага, ёки қарийб 23 фоизга камайгани, уларнинг 87 фоизи мажмуавий текширув эканлиги қайд этилди. Йўл қўйилган молиявий-иқтисодий тартиббузарликлар натижасида 44 миллиард сўм бюджет ҳисобига мусодара қилинди.

Шу билан бирга, йиғилишда таъкидланганидек, режадан ташқари ортиқча текширувлар ўтказиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига турли хил назорат органларининг асосиз аралашуви ҳоллари ҳам учрайди. Бу борада Республика кенгашининг Сирдарё, Тошкент, Сурхондарё, Жиззах, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиялари сусти ишламоқда. Жойларда ҳали-ҳануз тегишли хужжатларни расмийлаштирмасдан, белгиланган муддатларга амал қилмаган ҳолда текширув ўтказишга йўл қўйилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фақат учдан бир қисми текширувларни рўйхатга

олиш дафтари билан таъминланган. Биргина «Ишонч телефони» орқали назоратчиларнинг ноқонуний хати-харақати тўғрисида 700 га яқин шикоят қабул қилинган. Белгиланган тартибга зид равишда ўтказилган текширувлар ушбу шикоятларга кўра тўхтатилди.

Республика кенгашининг қарорига биноан ҳудудий комиссияларнинг режадан ташқари текширув ўтказиш ҳақидаги кўп сонли талаблари танқид қилинди. Вазириликлар, идоралар раҳбарларига, ҳудудий комиссиялар раисларига хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солишга доир қонунийлик талабларини бузаётган мансабдор шахсларни жазолаш юзасидан қатъий чоралар кўриш вазифаси топширилди.

Шунингдек, йиғилишда ҳудудий комиссия раиси - Навоий вилояти ҳокими Ф.Диловининг, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг статистика давлат департаменти бошлиғи Ф.Қудратовнинг, Ўзбекистон Республикаси Бош

Давлат санитария вазири Б.Низоматовнинг ҳисоботлари тингланди. Навоий вилояти комиссияси ишининг қоникарсизлиги, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш бўйича республика қонунлари ижросини таъминлаш борасида номи тилга олинган назорат қилувчи органлар фаолиятидаги камчиликлар қайд этилди, мавжуд қоидага амал қилмаслик ҳоллари кўрсатиб ўтилди, текширувлар самарадорлиги паст экани таъкидланди, аниқланган камчиликларни тугатиш ва келгусида уларга йўл қўймаслик юзасидан амалий чоралар қабул қилиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда текширувларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва уларнинг ҳар бири бўйича назорат қилувчи органлар фаолиятини кўнрайтиришга қаратилган тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов, Ўзбекистон Республикаси Давлат маслаҳатчиларининг ўринбосари У.Исмоилов, Ё.Жалолов, Вазирилар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова, вазириликлар, идоралар раҳбарлари, Президент девони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ходимлари иштирок этди. (ЎЗА).

Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалигида кичик сут заводи ишга туширилди. Шу куни бутун Яқкатут қишлоғида катта шодийна бўлди.


Тумандаги Азизов номида зоотехник бўлиб ишлаган Имомали Назаров биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил этган эди. Тадбиркор чорвадор пухта иш юритиб хўжаликни кенгайтира борди. Ҳозир у ерда қорамоллар 190, жумладан сигирлар 60 бошга етди.

Кичик қорхона қурилишига «Баракализинг» компанияси маблағ ажратди. Унга Исроилдаги «Маров» фирмасидан жиҳозлар келтириб ўрнатилди. Ушбу қорхонага 250 минг АҚШ доллари миқдорида чет эл сармоёси сарфланди.


Мазкур завод бир кеча-кундузда 2 тонна сутни қайти ишлаб 8 хил маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Маҳсулотлар «Маров» фирмасидан буюртма асосида келтирилган бежирини идишларга қадоқланапти. Янги қорхона иш бошлаши шарафати билан қишлоқда янги иш ўринлари яратилди.

**Суратларда: қадоқловчи Салтанатхон Миनावарова, кичик сут заводининг умумий кўриниши.**

**М.ҚОДИРОВ олган суратлар.**



ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ



## ЧУСТНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

**Гулдор дўппилари ва миллий пичоклари билан машҳур бўлган Чустда тез кунларда мрамар ва оҳақтошдан тайёрланган плиткалар ишлаб чиқарилади. Бу иш билан «Мрамар-Ф» деб номланган янги қорхона шугулланади.**

Туманининг тоғолди Варзик қишлоғида қаттиқ оҳақтошнинг ноёб қони топилигандан сўнг тадбиркор Фаҳриддин Расулов ундан фойдаланиш гоёсини илгари сурди. Ушбу гоё республика Бизнес жамғармаси ва Намангандаги «Мададор» қурилиш-хизмат кўрсатиш жамияти томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда Ф.Расулов бошқарилиб қиляётган «Шамшир» хусусий фирмаси керакли маблағ билан таъминланди. Натигада туманда янги замонавий қорхона бунёд этилди. Тошга ишлов бериш учун зарур бўлган Италиянинг «Педрини» фирмаси жиҳозларини Канаданинг «Раана» холдинги компанияси етказиб берди.

Янги қорхона йилига 60 минг квадрат метр мрамар ва оҳақтош плиткани ишлаб чиқариш қувватига эга. 35 киши иш билан таъминланди. Яқин кунларда

«Мрамар-Ф» ходимларининг сони икки баравар кўпаяди.

Мрамар ва оҳақтош плиткаларини кетма-кет ишлаб чиқаришдан олдин қорхона уларни етказиб бериш бўйича 10 миллион сўмлик шартнома тузди. Республиканинг бир неча қурилиш компаниялари «Мрамар-Ф» билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирди. Чустда ишлаб чиқарилаётган плиткани юқори сифати ва беазаги билан ажратди туради.

Ўз навбатида чустлик ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини сотиш ҳудудини кенгайтириш ниятида. Товарларнинг бир туркумини сотиш ҳақида келишув ҳам бор. Вақти келиб, «Мрамар-Ф» мутахассислари ҳисоб-китобига кўра, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида экспорт етакчи мавқега эга бўлади.

ча судланувчиларнинг мол-мулкни мусодара қилишни суд ҳайъатидан сўради. Шунингдек, суд жараёнида Наманган, Андижон ва Хоразм вилоятлари жамоатчилик, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва «Маҳалла» жамғармаси номида иштирок этаётган жамоат қораловчилари сўзга чиқиб, зикр этилган жиноятларни содир этганлар халқимизнинг қаҳру газабига, нафратининг учраши муқаррар эканлигини таъкидладилар. Динни никоҳ қилиб, эл-юртимиз тинчлигини бузиш, одамларнинг мол-мулкни талаш, қотиллик билан шугулланган қимсаларнинг қилмишлари

## Муаммо кўндаланг қўйилади

**Жамоа шартномаси иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги иқтисодий-иқтисодий ва касба оид муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар. Шу боис, кўндаланг-кўп жамоаларда Меҳнат Кодексинда қайд этилган қондаларни ҳаётга татбиқ этиш имкониятини берадиган жамоа шартномалари тузиш ҳамда унинг имкониятларидан умумий фойдаланиш юзасидан қатор талаблар амалга оширилмоқда.**

Бирок, бу масалада иш барча ерда бирдек кетяпти, деб бўлмади. Баъзи қорхона, ташкилотларнинг раҳбару мутахассислари ҳамон эскича иш юритмоқдалар. Бозор муаммоларини енгиб ўтишда улар омикорлик кўрсата олмаётганлар. Бозор муаммоларини енгиб ўтишда улар омикорлик кўрсата олмаётганлар. Бозор муаммоларини енгиб ўтишда улар омикорлик кўрсата олмаётганлар.

Яқинда «Хоразмсувқурилиш» трестига қарашли темир-бетон давлат кичик қорхонасида бўлди. Аслида мутахассислари бу ерга етаклаган собик ишчилар Б.Ражабов, Ш.Қодиров, И.Бобо-

ри қорхона уюшмасига мурожаат қилишган. Шу баҳона қорхона ишлари билан атрофлича танишдик. Меҳнат интизоми сусайтириб юборилган. Ким билан фикрлашманг, турли «узрли» сабабларни рўқча қиларди. Англикки, мутасадди, раҳбарлар бозор талабини ол-

## ХОДИМ АРИЗА ЁЗДИ...

ниёзовнинг шикоят хати эди. Улар мазкур жамоада жараён издан чиққанлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайганили боис иш ҳақи вақтида бермай қўйилганлиги, натижада улар бўшақ ҳақида ариза ёзишга мажбур бўлганликларини маълум қилишганди. Собик ишчилар идорам-идора сарсон бўлишган. Икки ой мобайнида қонуний ҳақларини олишолмаган. Охири вилоят агросаноат мажмуи ходимла-

дидан ҳисобга олмаганлар. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, иқтисодиётни мустаҳкамлаш, янги технологияни жорий этиш каби масалаларга камҳафсалалик билан ёндошилган. Оқибат-натижада қорхона иш ҳақининг ўзидан катта миқдорда қарздор бўлиб қолган. Энг катта камчилик иш берувчи билан қорхона уюшма кўмитаси ўртасида ўзаро манфаатли шартномаси тузилмаган. Икки меҳнат тартиб-қондалари

ишлаб чиқилмаган. Яна кизиги, ҳатто меҳнат низола-ри комиссияси ҳам йўқ. Ёш болалар аёлларга қонунда белгиланган баъзи имтиёзлар яратиб берилмаган. Қорхона раҳбари, қорхона уюшма етакчилари билан фикрлашганимизда улар: камчилигимизни кийинроқ

## ТАЛАБАЛАРГА ГАМХЎРЛИК

Республикамизда телекоммуникациялар соҳасининг ривожланиши Тошкент электротехника олоқа институтини таъмирлаётган мутахассислар малакасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Таъкидлаш жоғизки, институтда профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг вилоятлар олоқа қорхоналари вақиллари билан ўрашувларини ўтказиб туриш афсонага айланган.

Кўни кеча ана шундай ўрашувлардан бири бўлиб ўтди. Учрашувда «Ўзбектелеком» Акциядорлик компанияси бош директори А.Жўрабоев яқин келажақда республика телекоммуникация соҳасининг инженер-техник ходимлари каторини замонавий технологияларни ағдлага, малакали мутахассислар билан бойитиш учун билим олаётган талабаларни моддий рағбатлантириш, иқтисодий химоя қилишни олоқа қорхоналари ўзларининг бурчлари деб ҳисоблашни алоҳида таъкидлади.

**Холбой ҚОЗОҚОВ, Хоразм вилояти агросаноат мажмуи ходимлари қорхона уюшма кўмитаси ҳуқуқ нозир.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий судида қасдан одам ўлдириш, терроризм, мамлакатимиз Конституцияси ва Президентига таъовуз қилиш, босқинчилик ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 12 шахс устидан бошланган суд жараёни 13 ноябр кунини давом этди.**

Суд мажлисида тарафлар музокараси бўлиб ўтди. Давлат қораловчиси - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Э.Қудратов суд терговини давомда жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, ашёвий далиллар, экспертиза хулосалари ва видеоматериаллар ёрдамида судланувчиларнинг айби исботланганини таъкидлади. Шу билан бирга 9 нафар судланувчининг одил суддан яшириниб юрганлиги ҳам уларнинг айбини тасдиқловчи яна бир далил эканлигига эътибор

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

ни қаратди. Давлат қораловчиси судланувчилар Тохир Йўлдошев, Жумабой Ҳожиёв, Сайал Мадаминов (Муҳаммад Солих), Муродилла Қозиев, Улугбек Бобожонов, Ҳомидхон Раҳмонов, Шавкат Каримов, Назимдин Жалолов, Йўлдош Умаров, Улугбек Маҳмудовга нисбатан олий жазо - ўлим жазоси қўллашни, Олимжон Абдувоҳидов ва Усмон Шукровни эса 20 йилга озодликдан маҳрум этишни, бар-

ча судланувчиларнинг мол-мулкни мусодара қилишни суд ҳайъатидан сўради. Шунингдек, суд жараёнида Наманган, Андижон ва Хоразм вилоятлари жамоатчилик, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва «Маҳалла» жамғармаси номида иштирок этаётган жамоат қораловчилари сўзга чиқиб, зикр этилган жиноятларни содир этганлар халқимизнинг қаҳру газабига, нафратининг учраши муқаррар эканлигини таъкидладилар. Динни никоҳ қилиб, эл-юртимиз тинчлигини бузиш, одамларнинг мол-мулкни талаш, қотиллик билан шугулланган қимсаларнинг қилмишлари

энг оғир жазога лойиқдир. Айни пайтда жамоат қораловчилари судланувчилар У.Маҳмудов ва О.Абдувоҳидов ўз айбига иқдор бўлиб, қилган жиноятлари учун пу-

шаймон бўлаётгани, халқимиздан кечирим сўраётганини инобатга олишни илтимос қилдилар. Суд мажлисида айбланувчиларнинг химоячилари ҳам сўзга чиқиб, ҳукм чиқаришда суд ҳокимиятининг мустақиллиги таъминланишига учраши муқаррар эканлигини таъкидладилар. Динни никоҳ қилиб, эл-юртимиз тинчлигини бузиш, одамларнинг мол-мулкни талаш, қотиллик билан шугулланган қимсаларнинг қилмишлари

(ЎЗА).

Корхона ва ташкилотлар ўртасида тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш ҳозирги кунда долзарб вазифалардан биридир. Чунки дебитор ва кредитор қарзларнинг ўсиши кўплаб хўжалик субъектларининг айланма маблағларига таъсир қилиб, уларни банкрот бўлишга олиб келмоқда. Шу боис, тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларни тўғрисида Президент Фармонлари, Вазирилар Маҳкамаси қарорлари эълон қилинди. Бунда тижорат банкларига ҳам катта вазифалар юклатилди.

Хўш, шундай экан, жойларда бу борада қандай

## ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗНИМАЛАР ҲИСОБИГА КАМАЙМОҚДА?

ишлар амалга оширилмоқда? Шу саволга жавоб бериш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Самарқанд минтақавий бўлимида бўлиб, уларнинг ишлари билан яқиндан танишдик. Дебитор ва кредитор қарзларни камайтириш ва тугатиш бўйича Президент Фармонлари ва Вазирилар Маҳкамаси қарорлари барча банкларнинг масъулиятини оширди, - дейди филиал бошлиғи Бозорбой Хушвақтов. - Ма-

салан, 1996 йил январдаги тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонда тижорат банклар раҳбарлари мuddати ўтказиб юборилган дебитор ва кредитор қарзлар учун қорхона ва ташкилотлар бошлиқлари билан бараварига жавоб берида, дейилган. Шу маънода банкимиз томонидан бир тунча ишлар амалга оширилмаптир. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар

## Қарор ва ижро

ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш бўйича доимий назорат ўрнатилди. Тўлов қурбига эга бўлмаган истеъмолчиларга 15 фоиз пулни олдиндан тўламастан маҳсулот бериш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишга йўл қўйилмади. Координацион режага мувофиқ жойларга чиқиб, қорхона ва ташкилотларда ҳисобот юритиш ишларининг аҳволи назардан ўтказилди. (Давоми 2-бетда)

### Соғлом авлод дастури амалда

Анджондаги Қорасув пайпоқ тўқиш фабрикасида ишлашни кўпчилик орзу қилади. Бойси, бу ерда ишчи-хизматчиларнинг самарали фаолият юритишлари учун асосий шароитлар муҳайё этилган. Йирик жамоанинг ўз анъаналари бор. Хусусан, сифат масаласига алоҳида эътибор берилади. Пировард ташкил учун барча масъул. Ҳар бир фойдали таклиф алоҳида инobatта олинади. Улар жамоа шартномасида

## ФАБРИКАДА ДАВОЛАШ МАРКАЗИ

ҳам ўз ифодасини топган. Фабрика маъмурияти, касаба уюшма кўмитаси бозор муаммоларини омилкорлик билан енгиб, иқтисодий ён юксалтиришга эришмоқда. Масалан, ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш ҳисобига кўшимча даромад олинмоқда. Меҳнатчиларга сут ва ғўш маҳсулотлари мунтазам равишда етказиб бериляпти. Даромадга қараб буромад, деганларидек, бунёдкорлик ишлари ҳам жонланиб бормоқда. Ажойиб ойнаванд дўконлар, стадион, супермаркет, шинам чойхоналар олинаётган соф фойда ҳисобидан бунёд этилди. Қандолат цехи ҳамда қатор ёрдамчи цехларнинг ишга туширилиши кўшимча иш ўринларини яратди.

Хайрли ишлардан яна бири фабрикада даволаш маркази иш бошлаганидир. Унга тиббиёт фанлари доктори, профессор Қосим Жалолов раҳбарлик қилмоқда. Уч қаватли бинода жойлашган марказнинг ҳар бир хонаси замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Даволаш хоналарида ультратовуш қурilmалари, эндоскопия, электрокардиограмма, ташхис лабораториялари бор. Даволаш марказининг иккинчи қаватида лицензия асосида кўз касалликлари муваффақиятли операция қилинмоқда. Жарроҳ Муҳаммадҷон Тўраев, ҳамширалардан Оля Черняковская, Раёно Маматшарова қабилар хизматидан барча хурсанд. Энди туман аҳолиси ортиқча ташвишлардан қутилиб, бемалол шифо масканига муружаат қилишмоқда.

**Т. ҚУРБОНОВ,**  
«Ишонч» мухбири.

### 1 Болали аёлларга нафақа тўлаш ва уларга қонунларда белгиланган имтиёзлар тўғрисида маълумот берсангиз

**М. Комилова,**  
Дехқонбод тумани.

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 234-моддаси ва 8 июл 1998 йилда Ўзбекистон Меҳнат ва Молия вазирликлари томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунча қадар болани парвартириш учун таътил берилади ва бу даврда тўлиқ бўлмаган иш вақти режимидеги ёки иш бевурачи билан келишиб уйда ишласалар, нафақа олиш ҳуқуқлари сақланиб қолади. Агар бир ва ундан ортиқ ставкада бу даврда ишласа нафақа олмайди.

### 2 Болали аёлларнинг (3 ёшгача) иш вақти ва (1-2 ёшгача) дам олиш вақти бўйича имтиёзлар тўғрисида батафсил тушунча берсангиз.

**К. Рўзимбоев,**  
Гурлан тумани.

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг 14 апрел 1999 йилдаги Қонунига асосан уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш ҳақи тўлиқ сақланган ҳолда ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайди қисқартирилган иш вақти белгиланган.

Кўпчиликда кўрсатиб ўтилган аёллар учун иш вақти ҳафтасига бир соатга қисқартирилган де-

ган фикр бор. Албатта бу нотўғри. Масалан, Меҳнат Кодексининг 115-моддасига биноан ходим учун иш вақтининг нормал мuddати ҳафтасига қирқ соатдан ошмаслиги керак. Қонунчиликда айрим ходимларга ўттиз олти соатлик иш ҳафтаси белгиланган. Бир ҳолатда ходим 4 соат, иккинчи ҳолатда эса 1 соатга кам ишлайди.

Кўрсатиб ўтилган Қонуннинг тўлиқ бажарилиши учун ҳар бир муассасада уч ёшгача боласи бор бўлиб ишлаётган аёлларни исми, фамилиялари ва қисқартирилган иш ҳафтасининг мuddати кўрсатилган ҳолда буйруқ чиқарилиши керак. Бу буйруқ билан унда кўрсатилган ходим, иш вақти табелларини олиб борувчи ходим ҳамда иш ҳақини белгилайдиган ҳисобчига имзо чектириб, таништирилиши ва уларга Қонуннинг мазмуни тушунтирилиши лозим.

Меҳнат Кодексининг 232-моддасига асосан ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч кундан кам бўлмаган мuddат билан ҳақ тўланадиган кўшимча таътил берилади. Бу кўшимча таътилни мuddати жамоа шартномасида ҳар бир муассасада ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уч кундан ортиқ қилиб ҳам белгиланиши ҳам мумкин.

Шуни ёдда тутиш керакки, бу кўшимча таътил кейинги йилга ўтказилишига йўл қўйилмайди. Шу сабабли муассасада ўн икки ёшгача ёки 16 ёшгача ногирон боласи бор аёлларнинг рўйхати тузилган бўлиб, унда болаларининг туғилган кунини, охи ҳамда йили кўрсатилган бўлиши шарт. Бу

## Саволларга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

рўйхат ходимлар билан ишлайдиган бўлимда сақланади ҳамда рўйхатдаги ходимларга меҳнат таътили берилганда кўшимча таътил қўшиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календар кундан кам бўлмаган мuddатга иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилади. Бундай таътил меҳнат таътилига қўшиб берилиши ёки иш бевурачи билан келишилган ҳолда бошқа вақтда ҳамда қисмларга бўлиб

шахснинг илтимосига кўра, иш бевурачи тиббий ҳулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш кунини ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгиланган мuddатга қўшиб олиш ҳуқуқига эга эди. Ўзбекистон Республикасининг 14 апрел 1999 йилдаги Қонунига асосан аёлларга элик тўрт ёшдан пенсия олиш ҳуқуқига эга эди. Ўзбекистон Республикасининг 14 апрел 1999 йилдаги Қонунига асосан аёлларга элик тўрт ёшдан пенсия олиш ҳуқуқига эга эди. Ўзбекистон Республикасининг 14 апрел 1999 йилдаги Қонунига асосан аёлларга элик тўрт ёшдан пенсия олиш ҳуқуқига эга эди.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ аёллар элик беш ёшдан ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга эди. Ўзбекистон Республикасининг 14 апрел 1999 йилдаги Қонунига асосан аёлларга элик тўрт ёшдан пенсия олиш ҳуқуқига эга эди. Ўзбекистон Республикасининг 14 апрел 1999 йилдаги Қонунига асосан аёлларга элик тўрт ёшдан пенсия олиш ҳуқуқига эга эди.

тўлаш қайси касбларда ишлаётган аёлларга жорий қилиниши тўғрисида Тушунтириш хати қабул қилинди. Булар қуйидагилардир:

1. Ўрта ва кичик тиббий ходимларга:
    - тиш шифокорлари;
    - санитар авиацияси, санитар маориф ва тиббий статистика фельдшерлари;
    - санитар фельдшер — эпидемиолог, паразитолог, санитар шифокорларнинг ёрдамчилари;
    - клиника, биохимия, бактериология, радиология, санитар-гигиена лабораторияларининг фельдшер-лаборантлари (лаборантлар);
    - морфологик тадқиқот (ўрганиш) билан банд бўлган фельдшер-лаборантлар;
  2. Провизорларга:
    - провизор-бошлиқлар;
    - провизор-бошлиқ ўринбосарлари;
    - провизор-бўлим бошлиқлари;
    - провизор-бўлим бошлиғи ўринбосарлари;
    - провизор-технологлар;
    - провизор-аналитиклар.
  3. Кутубхоначиларга:
    - катта кутубхоначилар;
    - штат билригидега бир ходим кўзда тутилган кутубхоналарнинг кутубхона бошлиғи вазифасини бажарувчилар;
    - катта библиографиклар.
- Пенсия тайинлашдаги бу тартиблар барча муассасалар учун мажбурийдир.

### ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

ИШОНЧА НАФ КЕЛТИРИШ

ОПТИ ВАҚТ



фойдаланилиши мумкин. Бу таътил ҳам кейинги йилга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Меҳнат Кодексининг 229-моддасига мувофиқ ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлнинг шу жумладан, ҳомийлигида кўрсатиб ўтилган боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бегона аъзолари парвариш қилиш билан банд бўлган

мақ, агар ходим ҳар кунги саккиз соат ўрнига тўрт соатдан ишласа, фақат тўрт соат ишлаган вақти учун ҳақ олади.

**3 Пенсия тайинлашда ва тўлиқ пенсия олишда аёлларга берилган имтиёзлар ҳақида батафсил тушунча берсангиз.**

**С. Қодиров,**  
Бухоро шаҳри.

**ЖАВОБ:** 1999 йилгача

### ФАХРИЙЛАРГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАМА

«Нуроний» жамғармаси Фаргона туман бўлинмаси яқка-ёлғиз қариялар, ногиронлар ва пенсионерларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни дори-дармонлар билан таъминлаш, саломатлигини тиклаш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Дехқончилик ва боғдорчиликни ривожлантиришдан олинаётган даромад ана шу эзгу ишларга сарфланяпти.

Яқинда бўлинма жамоаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Яъни, туман ҳудудидега 8 та сихатгоҳ маъмуриятларига уруш ва меҳнат фахрийларини имтиёзли даволашда ёрдам беришларини сўраб муружаат қилди.

Ушбу муружаатга жавобан сихатгоҳлар маъмуриятлари туман ҳудудидега яшовчи барча ёлғиз қариялар, уруш ва меҳнат ногиронлари ҳамда фахрийларига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражасини янада яхшилаш ташаббуси билан чиқдилар.

Шунга асосан жорий йилнинг 4-чорагидан бошлаб, ҳар бир сихатгоҳ бир нафардан, йил давомида 32 нафар кишини бўлинма орқали хайрия сифатида дам олиши ва даволанишини таъминлайди. Бу тадбирга бир йилда сарфланадиган харажат 1 миллион сўмдан кўпроқни ташкил қилади.

Юксак инсонпарварлик руҳи билан сугорилган мазкур ташаббус Фаргона вилоят ҳокимлиги томонидан ҳам маъқулланиб, махсус қарор қабул қилинди.

Қарорда сихатгоҳ ва профилакторийларга эга бўлган шаҳар ва туман ҳокимликлари «Нуроний» жамғармасининг жойлардаги бўлинмалари ва соғлиқни сақлаш бўлимлари билан ҳамкорликда ушбу ташаббусни амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тавсия этилди.

**Ахмадҷон ТўХТАСИНОВ,**  
«Ишонч» мухбири.



### СЕМИНАР — ТРЕНИНГ

Мамлакатимизда халқ таълимини такомиллаштиришга халқаро Сорос жамғармаси Очиг жамият институтининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳам ақиндан ёрдам бериб келмоқда. Унинг саъй-ҳаракати билан тузилган «Мақтабларни такомиллаштириш» дастури доирасида амалга оширилган маърифий тадбирлар ҳам ўз ижобий самараларини бермоқда.

Ўрта мактаб, лицей, гимназия раҳбарларини илгор бошқарув методлари ҳамда мактаб ҳаётини демократлаштириш билан таништиришдан иборат бу дастур бўйича уюштирилган семинар-тренинг ҳам жуда мазмунли бўлди. Уқув масканларининг маъмурий иш юритишини давр руҳига мослашга доир масалалар ҳам анжуман дастуридан ўрин олди.

Очиг жамият институтининг Ўзбекистондаги ҳамда халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш Марказий институти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинар машғулотларини тажрибали тренинглари олиб боришти. Улар Литва мактабларини такомиллаштириш марказида малака ошириб, бой тажриба орттирган эдилар.

«Мақтабни самарали бошқариш» деган мавзуга бағишланган бу анжуманда тингловчилар фақат маърузалар эшитиш билан бирга бахс-мунозараларда ҳам фаоллик кўрсатдилар.

**А.АЛИЕВ.**

Пойтахтимиздаги «Кизил тонг» ҳиссдорлик жамияти республикамизда кўзга кўринган энгил саноат корхоналаридан ҳисобланади. Шу йилнинг тўққиз ойида ушбу корхонада 73 хилда кийим-кечаклар тайёрланди.

Ҳиссдорлик жамиятида меҳнатқилар унумли ишлаши учун ҳамма шароит яратилган. Унга қарашли санаторий-профилакторийда «Соғлом-авлод йилли»да 555 нафар ишчи-хизматчи бепул даволанди. Шунингдек, нафақадан 94 нафар фахрийлар ҳам жамият ҳисобидан бу ерда саломатликларини яхшиладилар.

**Суратларда: ўз касбининг усталари М.Табраилова ва Г.Акрамова; ёш тикувчи Н.Тожиёва.**

**Икром ҲАСАНОВ**  
олган суратлар.

### «Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик!»

## ИШЧИ МУШКУЛИ ОСОН БЎЛДИ

Баъзида амалдаги қонунларни яхши билмаслигимиз оқибатида ҳаётда қийинчиликларга дуч келамиз. Ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилишни билмаймиз. Марҳамат туманидаги ип-йигирув ва тўқув акционерлик жамияти ишчиси Мирзараҳмон Тожиралиев ҳам шу кўйга тушди. У йиллар мобайнида сидқидилдан меҳнат қилди. У сифат жонқуралиридан бири эди. Айни пайтда ёшларга касб сирларини қўл билан ўргатди. Ўндан ортиқ лаёқатли шогирдлар тайёрлади. Кўргиликни қарангки, кунларнинг бирида у оғир касалга чалинди. Шифокорлар қанчалки ҳаракат қилишмасин, ишчинин дарддан тўла халос этишолмади. Натижада М.Тожиралиев касаллиги туфайли ишдан бўшагача мажбур бўлди. Асака туманлараро тиббий экспертиза комиссияси ҳулосасига кўра учинчи гуруҳ ногиронлигига чиқарилди.

Орадан муайян вақт ўтди. Мирзараҳмон ака белгиланган нафақани олиб, бориға шуқур қиларди. Бирок, у ўзига яратилган имтиёздан тўлиқ фойдаланмаётганди. Гап шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил февралдаги қарорига кўра ўз вазифасини бажараётган чоғида жароҳат олган, касб касаллигига чалинган кишиларга иш бевурачи томонидан бир йўла бир йилдан кам бўлмаган мuddатга нафақа тўлиниши шарт. Бирок, М.Тожиралиев орадан уч йил ўтгандан сўнг бундан огоҳ бўлди. Ҳамкасбларининг маслаҳатига кўра Анджон вилоят касаба уюшмалари Кенгашига муружаат қилди. Ногирон фикрларини тинглагач, кенгашнинг бўлим бошлиғи Сойибжон

Сойиев ишга киришди. Муайян вақт мобайнида қилинган саъй-ҳаракатлар, раҳбару мутахассислар билан савол-жавоблар натижасида адолат юзга чиқди. М.Тожиралиев талаби қондирилиб, уч йилдан буюн ололмай юрган салкам 70 минг сўмлик ҳақи ундириб берилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза: мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Меҳнатқилар ҳақида қайғуриш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш раҳбарлар, касаба уюшмаларининг биринчи галдаги вазифасидир. Собиқ ишчи М.Тожиралиев оиласи иқтисодий жиҳатдан қийналаётганлигини акционерлик жамиятидагилар яхши билишарди. Хўш, шундай экан, нима сабабдан унинг уч йиллик қонуний ҳақи раҳбарлар ёки касаба уюшма томонидан етказилмади? Ушбу саволимиз жавобсиз қолмаслигидан умидворимиз.

**А.МАННОПОВ, Қ.ШОКИРОВ,**  
«Ишонч» мухбирлари.



(Боши 1-бетда.)

Буни рақамлар билан ифода қилиш қўйин, юқоридаги банк томонидан шу йилнинг 9 ойи мобайнида дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик бўйича 91 та корхона ва ташкилотда текшириш ўтказилди. Натижада иккита хўжалик юритувчи субъект бўйича қонунбузарлик аниқланди. Шулардан бири «Самарқандгаз» корхонаси. Унда 148,6 миллион сўм миқдорда тўлов мuddати ўтган дебиторлик қарз бўлишига қарамай, мижозларга саҳийлик билан газ тарқатилаверган. Қонунбузарликлар бўйича солиқ инспекцияси ва прокуратурага хабар берилди. Натижада қатор раҳбарларга ҳайфсан эълон қилинди.

## ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗ

### нималар ҳисобига камаймоқда?

Банкда ўзаро қарзларни қоплаш схемалари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиляпти. Бунинг натижасида 9 ой ичида мижозларнинг 5 миллиард 893,2 миллион сўмлик дебитор ва кредитор қарзлари қопланди. Шундан банк кредитини жалб қилиш ҳисобига умумий сумма 904,2 миллион сўмни ташкил этди. Ягона молиявий кунларни ўтказиш ҳам катта наф бераяпти.

Кўпчилик хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш фонди ажратган мақсадли маблағлар бўйича 3 миллиард 551,8 миллион сўмлик тўловлар амалга оширилди. Мижозларга факторинг хизмат кўрсатиш ҳисобига эса 1 миллиард 152,4 миллион сўмлик ўзаро қарзлар узилди.

Бўлим томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил ноябрдаги қарорига кўра қатор

вазирликка қарашли корхоналарга мониторинг ўрнатилди. Натижада молиявий фаолиятини ҳар ойда таҳлил этиш имкони яратилди.

Фаолиятда айниқса, сентябр ойида ижобий силжилар кўзга ташланди. Биргина Энергетика вазирлигига қарашли корхоналар дебитор қарзларини 93 миллион 188 минг сўмга қисқартиришга эришдилар. «Самгеология»

корхонаси, 173-механизациялашган кўча жамланма, «Ўзмаҳсулсантажурлиш» уюшмаси тасарруфидеги ташкилотлар қарзларга умуман барҳам бердилар. Агарда банк мижозларининг мuddати ўтиб кетган дебитор қарзлари 1 сентябр ҳолатига 1 миллиард 20 миллион сўмга яқин бўлган бўлса, бу рақам 1 октябр ҳолатига 385 миллион сўмни ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Самарқанд вилояти минтақавий бўлими ходимларининг дебитор ва кредитор қарзларини қисқартириш бўйича олиб бораётган ишлари эътиборга моликдир.

**Ғулom ЮСУПОВ,**  
«Ишонч» мухбири.

### ШИФОХОНА УЧУН МИЛЛИОНЛАР

Учқўрғон туманида теозор тиббий ёрдам кўрсатишга иқтисослаштирилган янги марказ очилди. Наманган вилоят теозор тиббий ёрдам илмий марказининг филиали бўлган мазкур муассаса туман марказий шифохонаси бўлиларидан бирининг ўрнида ташкил этилди.

Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Биргина бино таъмири ва қисман қайта қуришга 56 миллион сўм ишлатилди. Яна шунча маблағ тиббий жиҳозлар сотиб олишга сарфланди.

Бинони таъмирлаш учун зарур маблағнинг катта қисmini янги тиббий муассасани ўз оталигига олган туман корхоналари, ташкилотлари ва хўжаликлари ажратди. Шифохона ҳомийлари «Учқўрғонданмаҳсулот» ва «Учқўрғон» акциядорлик жамиятлари шулар жумласидан.

Вилоят илмий марказининг «туман филиалида етти бўлим ташкил этилди. Бундан ташқари, бир йўла бир неча жарроҳлик операцияларини ўтказиш имконияти мавжуд. Шифохонада беморлар учун барча шароитлар яратилган. Шифокорларнинг айтишича, илгари бундай шароит ҳақида фақат орзу қилиш мумкин эди.

Яқин вақтларда вилоятнинг бошқа туманларида ҳам вилоят теозор тиббий ёрдам илмий марказининг филиалларини очиш кўзда тутилган.

(ЎЗА).

**Истиклол ҳар бир соҳада ишбилармонлик ва тадбиркорлик қилиб, бозор муносабатларини шакллантиришга ва дунё миқёсида ўзлгимизни намойён этишга имкон яратди. Боз устига, тадбиркор ҳақ-хуқуқини кафолатловчи устувор қонунларимиз бор.**

Аммо бу неъматдан барча тадбиркорлар ҳам мақсадли фойдаланаяпти, деб бўлмайди. Ҳалол меҳнат билан рўзгор тебратай, тадбиркорлигим ила эл назарига қилиб, деган ният хивалик Болта Ражабовнинг асл мақсади бўлганда эди, бугун у қора курсида ўтириб, қонун олдида жавоб бермасди. Ўтган йили у туман «Саоатқурилишбанк»дан та ни ш - билишчилик қилиб ўн миллион сўм кредит олган, бизнес режасида кўрсатилган тадбирлар асосида фаолият юритиш ўрнига, исзиз йўқолганди... Оқибатда давлат маблағини талон-торож қилишга йўл очиб берган банк бошлиғи М.Аллаберганов ҳам сохта тадбиркор қаторида жиноий жавобгарликка тортилди.

Ҳалол меҳнат билан рўзгор тебратай, тадбиркорлигим ила эл назарига қилиб, деган ният хивалик Болта Ражабовнинг асл мақсади бўлганда эди, бугун у қора курсида ўтириб, қонун олдида жавоб бермасди. Ўтган йили у туман «Саоатқурилишбанк»дан та ни ш - билишчилик қилиб ўн миллион сўм кредит олган, бизнес режасида кўрсатилган тадбирлар асосида фаолият юритиш ўрнига, исзиз йўқолганди... Оқибатда давлат маблағини талон-торож қилишга йўл очиб берган банк бошлиғи М.Аллаберганов ҳам сохта тадбиркор қаторида жиноий жавобгарликка тортилди.

## МАРКАЗ ФАОЛЛАРИ ОДАМЛАР ОРАСИДА

га солиш, рўйхатга олиш жараёнида қонунда кўрсатилган қўшимча ҳужжатлар талаб қилиш ҳолларига барҳам беришдан иборат.

Асосий жиҳати, жисмоний шахс шу марказга келиб, тадбиркорлик қилиш учун қандай ҳужжатлар лозимлигини ҳамда ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини шу ерда ўрганиб, расмийлаштирилади, ҳуқуқий шахс бўлиб фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Аслида бу тадбир янглик эмас. «Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга етарли шароитлар яратиш бериш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қароридан сўнг, барча ҳуқуқ-тартибот идораларида саъй-ҳаракат бошланди. Аммо бу ерда кўзга ташланадиган иккита жиҳат бор: биринчиси, ана шу марказ фаолиятдан сўнг, тадбиркорлик ривож топди. Яъни ўтган йилда туман бўйича улар 89 та бўлса, ҳозир 265 тага етди. Шунингдек, қўшимча 2000 та янги иш ўринлари яратилди. Эътиборлиси, улар етиштирилган ва ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳам сифатли, ҳам

### Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин!

мўл. Боз устига, сарф-харажат ҳам анча кам. Иккинчиси ва муҳими — марказ прокуратура қошида эмас, балки «Тадбиркорбанк» биносида фаолият кўрсатиб, ҳар кун тушгача турли соҳа мутахассислари тадбиркорларни қўллаб қувватлаш, шу жойнинг ўзида муаммолар ўз ечимини топади, ҳуқуқий маслаҳатлар, керакли дастурлар берилди.

Умуман, кузатишлар ҳар қандай хайрли иш ўрнида ўтказилсагина ижобий натижа беришини кўрсатмоқда. Шу ўринда яна бир мисолга эътиборни қаратсак. Маълумки, ёшлар орасида турли жиноятлар содир этиш, билиб-билмай ҳар хил ярамас оқимларга қўшилиш ҳоллари учраб турибди. Бу каби дилхираликлардан Хива тумани ҳам мустасно эмас.

Президентимизнинг мустақилликнинг 9 йиллик муносабати билан амнистия тўғрисидаги ҳамда террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги Фармони адошган ёшларни ўз оилалари бағрига қайтишга, виждонини поклаб олишга имкон

Марказнинг айнан банк тасарруфида ташкил этилишининг боиси нимада, деган савол туғилиши табиий. Аввало айтиш жоизки, тадбиркорлар фаолияти таҳлил қилиб кўрилганда бир нарса аён бўлиб қолди: яъни ишлаб чиқаришда ишбилармонлик билан шуғулланувчиларнинг аксариятида ўз ҳисоб рақами бўлишига қарамай, маблағга эга эмас. Суриштирилганда кредит олиш масаласида сарсонгарчиликлар бўлаётганини ёки банкдан уни олишда тўсиқлар мавжуд эканлиги маъ-

яратди. Эътиборли ишлардан яна бири Хива шаҳар марказида «Диний экстремизмга қарши кураш» маркази ташкил этилиб, Куръони Карими, Ҳадисларни яхши биладиган, унинг суръаларини тўғри талқин эта оладиган 50 нафар киши аттестациядан ўтказилиб марказга жалб этилди.

Айни пайтда бу марказ фаоллари ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда маҳалларда, хонадонларда, гузарларда бўлиб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришяпти. Натижада турли гуруҳларнинг алдовларига учиб, йўлдан адашган 30 нафардан ортиқ ёш қилмишларидан пушаймон бўлиб, оилалари бағрига қайтди.

Хуллас, туманимизда бошланган тажриба вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот идоралари мутахассисларини бефарқ қолдирмаяпти.

**Қ.НУРМЕТОВ,**  
Хива туманлараро прокурори, адлия маслаҳатчиси.

### Ислоҳот йўлидаги ғов

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун ҳужалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси вилоятда етарли даражада ташкил этилмапти. Бу ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатиб қорхоналар, ҳужаликлар молиявий аҳолини қийинлаштирмоқда. Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи А.НОМОВ билан қилинган суҳбат ана шу ҳақда.**

— Аввало вилоятда қарздорлик ҳозирги аҳоли ҳақида қисқача тўхталсангиз.

Ишлаб чиқариш, Шаҳрисабз тош-қум саралаш заводлари, Қарши уй қурилиш ҳиссадорлик жамияти, Шаҳрисабздаги 227- ҳужаликлараро механизациялашган

Солиқ хизмати органлари жорий йилнинг шу кунигача 289 қорхонага мавжуд қарзни Низом талабларига биноан бир ой муддатда тўлаб бериш ҳақида огоҳлантириш хати билан муурожаат этди. Ана шундан кейин кўпгина қорхоналар қарзни кўрсатилган муддатда тўлади. Бунинг уддасидан чиқмаган 358 ташкилотнинг қарзини мол-мулки ор-

## ҚАРЗДОРЛИК БАЛОСИ

мас» деган нақл бор. Аммо барча ерда бу ҳақиқатга етарли баҳо берилмаяпти. Қорхона ва ташкилотларнинг давлат бюджет олдиданги боқиманда қарзлари айни вақтда 9223.8 миллион сўмга етди. Бунинг асосий қисми ёки 5855.3 миллион сўми «Ўзбекнефтгаз»га қарашли қорхоналарга тўғри келади. «Ўзпахтасаноатсотиш» ва Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилиги ихтиё-

қўлма жамланма сингари унлаб ташкилотларнинг қарзлари сира қаймайяпти. Бу ишлаб чиқаришни режали асосда бошқариш, ишчи-хизматчиларнинг моддий томондан таъминланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

— Қарздорликни келтириб чиқарадиган асосий сабаблар нималардан иборат?

— Бу соҳадаги асосий масъулият аввало ўша қорхона раҳбарига, иқтисодиёт билан шуғулланадиган мутахассислар зиммасига тушади. Улар бозор иқтисодиёти талабларини тўла ҳисобга олиб иш тутсалар, лоқайдлик қилмасалар, ҳисоб-китоб ишларига жиддий аҳамият қаратсалар хатоларга йўл қўйилмайди. Кўпгина ташкилотлардаги аҳоли шунинг кўрсатмоқдаки, улар ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талаб ва эҳтиёжни тўла ҳисобга олмайдилар. Харидор қорхоналарнинг молиявий аҳоли таҳлил этилмайди. Маҳсулотларнинг ўз эгасини топмаслиги, омборларда сақланиб қолишига сифат даражасининг пастлиги ҳам асосий сабаб бўлаётди.

Амалдаги қонунларга асосан сотилаётган маҳсулотларга 15 фоизлик ҳақ олдиндан олиниши керак. Аммо бунга қорхоналар томонидан етарли эътибор берилмаслиги оқибатида молиявий қийинчиликлар туғилмоқда. Натижада бюджетга тушиши лозим бўлган солиқ ва бошқа тўловлар муддати ўтиб кетаяпти.

қали ундириш учун ҳўжалик судига муурожаат этилди. 288 қорхонанинг иши юзасидан ҳўжалик судининг ҳал қилува қарори чиқди. Шунга қўра қарздорлар мол-мулки хатлангандан сўнг улар сотилгунга қадар 165 қорхона катта миқдордаги қарзни тўлаб берди. 91 қорхонанинг мол-мулки «Кимошди» савдоси орқали сотилди.

— Кўрииб турибдики, айрим қорхона раҳбарлари охириги чоралар кўрилгандан кейин қарзларини узийш йўллари излаб топган. Нега улар бу ҳақда олдинроқ ўйламадилар, деган ҳақли савол туғилади.

— Ҳамма гап шундада. Айрим раҳбарлар «Қани кутайлик-чи, нима бўларкин» қабилда иш тутадилар. Қарши шаҳридаги уй қурилиш идорасига қарашли 7-механизациялашган кўча жамланма 10,2 миллион, У.Юсупов туманидаги 134-автокорхона 6,2 миллион, Қасби туманидаги 88-автокорхона 5,2 миллион, 13-деҳқон қурилиш бошқармаси 5,1 миллион сўмлик қарзларини охириги чорадан сўнггина тўлагани ҳам фикримизнинг далилидир.

Энг муҳими, ҳар қандай шароитда ҳам қорхона раҳбарлари қарздорлик келиб чиқишига йўл қўймаслик чораларини излашлари зарур.

**Суҳбатдош:**  
**Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ.**

# ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОВАР



Шофиркон тумани ИИБ ходимлари жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ибратли тадбирларни амалга оширишяпти. Бунда уларга маҳаллар фаоллари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ёшлар ўртасида ўтказилаётган тушунтириш ишлари, савол-жавоблар ўзининг кутулган натижасини бермоқда.

### Суратда: туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари Ф.Фаттоев фаоллар билан галдаги ишлар хусусида фикрлашмоқда.

Ш.РАУПОВ олган сурат.

### Хўкм ўқилди

## «МИС»НИНГ МИСИ ЧИҚДИ

**Рангли металлларни ноқонуний равишда четга олиб чиқиб пуллашчи «тадбиркорлик» деб талқин қилишга уринган Уроқ Абдурахмонов, Лапас Арзиев, Ҳамза Жонкуватов, Абдумурод Ахмедов, Хўшвақт Бўриев, Шарофиддин Қурбонов, Файзулла Раҳмонов, Норкуват Жумагуловларнинг қилмишлари уларни суднинг қора курсисига етаклади.**

Улар Чирочқи тумани да яшовчи фуқаролардан алюмин, мис, лотун каби рангли металл синиқларини сотиб олиб йиғадилар. Қисқа вақтда У.Абдурахмонов 13490, Л.Арзиев 10900, Х.Жонкуватов 10400, А.Ахмедов 10250 кг рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тўплаб, ҳеч қандай рухсатномасиз Қозғосгон Республикасининг Махтаорол тумани бохона назоратини четлаб ўтиб, сотиш юзасидан ўзаро

тил бириктиришди. Жиноий мақсадни амалга ошириш учун шу йилнинг январидан Н. Жумагулов, Ф. Раҳмонов, Ш. Қурбонов, Х. Бўриевлар бошқарувидаги 4 та автомашинага юкларни жойлаб, йўлга чиқадилар. Умумий оғирлиги қарийб 45 тонна рангли металл парчалари юкланган автопоезд ДАН постларини четлаб, Самарқанд, Жиззах вилоятларининг айланма йўллари билан Қозғосгон Республикасига бо-

**Неъмат БОБОЖОНОВ,**  
Жиззах вилояти судининг судьяси.

ридаги ташкилотлар ҳам давлат бюджетидеда жуда катта миқдорда қарздор бўлиб қолаётдилар. Қарши шаҳар қорхона ва ташкилотларида қарзларни узийш, ҳеч бўлмаганда уларни бир қадар камайтириш ҳаракати сезилмапти. Биргина 2-темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводида қарзлар миқдори 105.6 миллион сўмга, Йирик панелли уй қуриш заводида эса 93.7 миллион сўмга етди. «Сувтаъминот» шуъба қорхонаси, 1-темир-бетон

бозлик кўрсатмоқдалар. Бунда Хўжайли давлат автомобил назорати жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.



Давлат автомобил назорати ходимлари туну кун ўз жойларида хўшёр туриб, осуда ҳаётни таъминлаш, йўл қоңдалари бузилишининг олдини олишда жон-

бозлик кўрсатмоқдалар. Бунда Хўжайли давлат автомобил назорати жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Суратда: туман ДАН бўлими бошлиғи, милиция майори Б. Нурмашев ва инспектор Н. Байрамов.

**О. МУРОТОВ**  
(ЎЗА) олган сурат.

**Иснод**  
— Ҳар гал рингга чиқарканман, юртимни, Юртбошимни, қардон кишлоғимни ўйладим, - дея юрак сўзларини ифодалайди машҳур боксчи, олимпиада чемпиони Мухаммадқодир Абдуллаев. - Ватан шарофтини ўйлаганим сайин қувватимга қувват қўшилади.

## КўРНАМАК

Ҳа, Ватан туйғуси ана шундай қудратли кўчга эга. Афсуслар бўлсинки, баъзи ёшлар орасида муқаддас туйғулардан маҳрум бўлган, вужудини чиркин фикрлар қамраган нотавонлар ҳам бор. Хўжаобод шаҳар Оғуликчек маҳалласида истиқомат қилувчи Олимжон Орзиқулов шундайлардан бири бўлиб чиқди. Ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, гўр йигит муайян вақт бемақсад умр ўтказди. Эътиқодининг сустлиги оқибатида ярамас оқимлар таъсирига тушди. Ундаги ўзгаришни кўрган хўшёр кишилар Олимжонга панд-насиҳат қилиб, тўғри йўлга болашди.

Бироқ О.Орзиқулов кўрнамалик қилиб, қабих ишларини давом эттирди. Қўпинча Хўжаобод деҳқон бозори атрофида одамлар онгини захарлайдиган варақалар тарқатиш билан шуғулланди. Охир-оқибат у жиноят устида қўлга олинди. Миллий хавфсизлик хизмати Хўжаобод шаҳар бўлими ходимлари уйда тинтув ўтказишганда ярамас варақалар топилди.

Олимжон Орзиқуловга ўхшаган тўғри йўлдан адашган, виждонини пулга сотган охиру нотавонлар ўз қилмишларига яраша жазоларни олдилар. Лекин бир нарса бизни ўйлантиради: нима сабабдан қўни-қўшни, маҳалла-қўй адашган йигитлар қилмишларини, ноҳўя хатти-ҳаракатларини кўра-била туриб, сукут сақлашган. Лоқайдлик, ўзибўларчилик ҳаммиша қимматга тушади. «Огоҳ бўлайлик», деган даъват бутун вужудимизни қамрамас экан, ёшлар тарбиясида қўн нарсани бой бериб қўйишмас мумкин.

**А.СИДИҚОВ,**  
Анджон вилояти судининг судьяси,  
**М.АБДУКАРИМОВ,**  
журналист.

### Сўнги пушаймон-ўзинга душман

## БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИҚОННИ...

ишлаб юрган, 4 нафар фарзандининг онаси Майрамни нима жинурдию, ётса ҳам, юрса ҳам текин пул ишлаш, мўмай даромад олиш ҳаёлини тарк этмади. Уйлай-уйлай охири бунинг йўлини топгандек бўлди. «Чекка ўзим имзо чекиб, пуллари олсам ким биллиб ўтирибди» дея ўйлади у. «Ўзсанотқурилишбанк»нинг Бухоро вилояти Маданият бошқармаси бюджет ҳисоб рақамидан касаллик варақаларига тўлаш учун 68000 сўм нақд пулни олиб, уларни маданий бошқармасининг хазинасига кириб қилмасдан талон-торож қилиб, бошқарма манфаатларига моддий зарар етказди.

Яқинда А.Абдуллаева раислигида бўлиб ўтган суд, ушбу жиноий ишни кўриб чиқиб, М.Бозорова-нинг қилмишига яраша ҳақ берди.

**Ўтқир СОҲИБОВ,**  
Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев тумани прокуратураси терговчиси.

# КАЛОМ ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ

Буюк мутакаллим, улуг аллома Абу Мансур Мотуридий ҳақларида Абдулкарим ас-Самъонийнинг «Ал-Ансоб», Навоийнинг «Насойим ул мухаббат», Абу Тохирхожа Самарқандийнинг «Самария», Ал Ковфийнинг «Китоби аълам ул ихтиёр» ва бошқа тарихий манбаларда маълумот берилган.

Имом ал-Мотуридий Самарқанднинг Мотурид қишлоғида туғилганлар, қабрлари эса Чокарди-за мазоридида жойлашган. Бу зоти шариф сомонийлар ҳукмронлиги даврида яшаган.

«Мотурид» сўзининг луғавий маъноси борми? К.Каттаев «Самарқандлик буюк алломалар» китобидида куйидаги нақлни келтирган. Қутайба ибн Муслим Самарқанднинг фатҳ этганидан кейин Амри Муҳожирни ҳоким этиб тайинлайди. Амри Муҳожир Оби Раҳмат аригини қаздираётганда Хизр алайҳиссалом келиб: «Мотурид?» (яъни «Нима истайсан?») деб сўрайди. Амри: «Моуриду!» (яъни «Сув истайман!») деб жавоб беради. Хизр алайҳиссалом дуойи хайр этиб, гойиб бўлган эканлар. Бу дуо баракотидан ариқ қазилиб, юрт обод бўлган. Хизр алайҳиссаломдан табарруккуна бу қишлоқ Мотурид номи билан олган.

матларим етмиш уч фирқа (гурух)га бўлинади, шундан етмиш икки фирқаси залолатда қолиб, ҳалок бўлади. Фақат биттаси, яъни аҳли суннат вал жамоат мазҳаби саломат қолиб, наҳот топгайди», - деганлар. Аҳли суннат вал жамоатда тўртта, инчунун, ҳанафия, ханбалия, шофеия, моликития мазҳаблари бўлиб, тўрттаси ҳам ҳақ йўлларидир. Бизнинг Турон заминда ҳанафия мазҳаби ҳукмрон ҳисобланади. Ушбу мазҳабни она дёнёримизда ёйишга Абу Ҳафса Кабир ал-Бухорийнинг (832 й.ваф.) хизматлари бекиёсдир. Буюк фақиҳ Абу Ҳафснинг устодлари Имом Муҳаммад Шайбоний, Имом Муҳаммад Шайбонийнинг устодлари эса Ҳазрат Имоми Аъзам, яъни ҳанафия мазҳабининг асосчиси бўлганлар.

Мўътазилия фирқасининг бошлиғи Восил ибн Ато бўлиб, у Ҳазрат Ҳасан Басрийнинг шогирдларидан эди.

Мўътазилия фирқаси аҳли суннат вал жамоат мазҳабига жиддий ҳавф сола бошлади. Улар Куръони Карим ва пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини ўз ақлу идрокларига мос талқин этишни илоҳий асосларидан бири деб билганлар. Шунинг учун диний эътиқодга зарар этди. Зеро, диннинг таянчи эътиқоддир. Эътиқодга зарар кетса, диннинг барбод бўлиши мумкин.

лик учун курашмоқ эса жамият олдидаги масъулиятдир. Наботот оламини асрамоқ учинчи масъулият.

Имоми Аъзам, инчунун, Мотуридий ҳазратларининг бу талқинлари инсониятни тафаккур этишга, гуноҳлардан ўзини тийишга, савоб амалларини кўпайтиришга даъват этади.

Имом Мотуридий «Баёни ваҳмил мўътазилия», «Ради усули хамсали Аби Муҳаммад ал-Балхий» каби асарларида мўътазилия оқими хатоларини ояту ҳадислар асосида далиллар билан кўрсатдилар. Мўътазилия оқими намояндаларидан бири Каъбий таълимотига қарши Мотуридий ҳазратлари «Ради усули адилла лил Каъбий», «Ради таъзибул жадал лил Каъбий», «Ради байтул фусоқ лил Каъбий» асарларини яратиб, мўътазилия оқимига қарши зарба берди. Шунингдек, рофиций, қарматий каби ботил оқимларга қарши «Ар радду усули карматия», «Ради китабул Имам ли Али баъзи рафовиз» китобларини ёздилар. «Ат таъвилот», «Ат тавҳид», «Китоб ул мақомот», «Ақоид» асарлари орқали Мотуридий ҳазратлари бутун жаҳонга машҳур бўлиб, калом илмининг ривожига оламшумул ҳисса қўшдилар ва мотуридия мактабини яратдилар. Илоҳиятшунослар мутакаллим аталиб, илоҳиётшунослик эса калом илми сифатида шаклланди.

Буюк мутакаллим Имом Мотуридий шарофатларидан ислом турли реакцион, зараркунанда оқимлар таъсиридан тозаланди ва Имом Аъзам асос солган мазҳаб — ҳанафия мазҳаби нафақат ўрта Осиё, балки Кичик Осиё, Яқин Шарқ, Шарқий Туркистон (Фарбий Хитой), Шимолий Африканинг Тунис, Жазоир мамлакатларига тарқалди, шунингдек, мотуридия оқими уларнинг асосий эътиқод йўлига айланди.

Ҳожи Садриддин, Салим БУХОРИЙ.



Ханафия мазҳабига асосланган эътиқод йўлини Имом Мотуридий белгилаб берганлари боис, Мотуридия мактаби деб Фарбу Шарқда тан олинган.

Шофеия мазҳабидаги эътиқод йўлини Абу Ҳасан Али ибн Исмоил Ашъарий асослаб берди, шу боис ашъария оқими номи билан олган. Аҳли суннат вал жамоатда мана шу икки мактаб мавжуд.

Тарихдан маълумки, аббосийлардан Маъмун, Муътасим, Восикларнинг халифалик даврида (827-851) мўътазилия оқими акидаси ҳукмрон таълимот саналган. Халифа ал-Мутаваккил (847-861) даврида мўътазилия оқими тақиқланиб, аҳли суннат вал жамоат мазҳабига кенг йўл очила бошланди.

Хўш, мўътазилия оқими қачон ва қандай пайдо бўлди? Унинг асосчиси ким? Муҳаммад Зоҳид Кутку ибн Иброҳим ал-Бурсавийнинг (1897-1980) «Аҳли суннат ва жамоат ақоиди» китобларида келтирилишича,

Масъулият, Ҳазрат пайғамбаримиз Мухаммад салоллоҳу алайҳи васаллам: «Менинг ум-

## Қадритларимиз

Луқмони ҳақимдан: «Одобни қимдан ўргандинг?» деб сўрадилар. Луқмон жавоб берди: «Одобни беодоблардан ўргандим, уларнинг ҳаракатларидаги менга мақбул бўлмаган нарсалардан ўзимни сақладим!»

Бирор эсли кишига ҳатто ҳазил сўз айтсанг, У шундан ҳам ўзига чиқаради хулоса. Аммо аҳмоқ кишига юзлаб ҳикмат ўргатсанг, Барчаси унинг учун туюлар ҳазил нарса.

## ХИКОЯТ

Хижоз сафарига чиққан маҳалимда бир неча софдил ёшлар менга ҳамроҳ бўлдилар. Улар гоҳо аскиябозлик қилишар ва гоҳо ҳикматли шеърлар ўқишарди. Дарвешларнинг ички дунёсидан воқиф бўлмаган ва уларнинг дарди дилларидан беҳабар бир обид то Бани Хилол рабобига еткунча бизга ҳамроҳ бўлиб борди. Бани Хилол рабобига араблар қароргоҳидан бугдой рангли бир бола чиқиб, шу қадар ёқимли овоз билан кўшк айтишга киришдики, самоддаги қушлар ерга тушдилар. Обиднинг туюси уни ағдариб ташлаб, сахрога қараб қочди. Мен дедим: «Эй шайх, боланинг кўшиги ҳатто хайвонга таъсир этди-ю, лекин сенга таъсир этмади».

Билдингми, тонг чоғида нима дер менга булбул: «Нечук одам саналгай севгидан беҳабар дил? Араб шеърин эшитган туя завқидан ўйнар, Сенда завқдан асар йўқ, хайвон экансан буткул».

Боғда тонг ели эсса, мажнунтол тебранди, Чакиртош тебранмайди, қотиб қолган абадий.

Диққат билан боқолсанг, барча нарса зикр этар, Буни тинглай олади, ким маъиндан боҳабар. Гулга ёлғиз бўлбулмас куйловчи кўнгил билан, Гул ҳам уни улуғлар тикансимон тил билан.

(Саъдийнинг «Гулистон» китобидан.)

Бухоро азал-азалдан ҳунармандлар юрти ҳисобланади. Бу ерда зардушлик, заргарлик, темирчилик, қандакорлик билан бир қаторда ёнғоча жон киргизувчи нақшоҳлар ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ана шундай кўнгул нақшоҳ усталардан бири Салим Шукруллаев Пешку туманининг «Навбахон» қишлоғида яшаб, ижод қилади. Мана, 27 йилдирки, Салим ака ёнғоч йўни, турли-туман портретлар ясади. Унинг ижод намуналари орасида буюк боболаримиз Ибн Сино, Улғубек, Навоий, Беруний ва бошқаларнинг портретлари бор. Аллома боболаримиз руҳини шод этаётган бу уста ижодидан намуналар турли халқро кўргазмаларда намойиш этилиб, кўпгина мукофотларга сазовор бўлди.

Суратда: уста Салим Шукруллаев ўз ижод намуналари билан.



Собир ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

## Тож талабгорлари



Мамажон МУХИТДИНОВ

Уни сўнги шахмат роумантиги деб аташарди. Ўрта бўй, доимо нимадандир хижолат тортаётган туровчи бу хушфелъ киши ҳақиқатан ҳам шундай эди. Бироқ Шпильманга қараб туриб унинг қалбига доим шахмат эҳтироси жўш уриб туришига, дадил ва ҳатто таваккал ҳатти-ҳаракатлар қилишга қодир эканлигига ишонши қийин эди.

Рудольф Шпильман 1884 йилнинг 5 майида Венада туғилди. Шахмат билан болалигиданоқ танишди. Ва ажабтову ёнғоч донлар олами уни ўзига маҳлиё қилиб қўйди. 1904 йил ёш шахматчининг номи биринчи бор Кобургдаги халқаро турнир иштирокчилари орасида пайдо бўлди. Дебют муваффақиятли ўтди. Шундай қилиб 20 ёшида у спорт устаси унвонига сазовор бўлди.

Лекин ҳақиқий маҳорат ва муваффақиятлар Шпильманга бир неча йилдан кейингина насиб этди. Комбинациянинг чин ошиги бўлиб қолган Шпильман Морфи ва Андерсон юришларини қайтариш қўйига тушиб қолди. Бу эҳтирос унга кўпгина муваффақиятлар, чиройли ўйинлари учун совринлар келтирди. Лекин бу кўпгина уни турли жадалдаги муҳим очколардан маҳрум қилиб ҳам турарди.

Шу сабабли австриялик гротмейстернинг шахмат амалиётида му-

ваффақиятсизликлар ҳам рўй беради. Бу ўринда жаҳоннинг деярли барча энг кучли шахматчилари ўйнаган Земмерингдаги (1926 йил) унинг аjoyиб галабасио бир йил олдин Москвадаги турнир жадалининг иккинчи ярмида қилиб кетганини эслаш кийинки барига умрбод комбинация валломати, ҳужум қилишнинг аjoyиб устаси бўлиб қолди. У ҳамма вақт кескин курашга интиларди, ташаббус учун қурбонлар беришга тайёр эди: нозик диди австриялик гротмейстерга комбинацияни пайдо бўлишидан анча олдин кўриш имконини беради.


Шпильман шахмат курашини жуда севарди. У қаерда ва қачон бўлмасин, ўйнашга тайёр эди. Унинг жангвора хизмат рўйхати узундан узок: 115 турниру 55 та матч...

Стокгольм (1909 йил), Аббация (1912 йил), Буден (1914 йил), Телпич — Шенад (1922 йил), Земмеринг (1926 йил)даги совринли ўринларини энг йирик муваффақиятлари сирасига киритмоқ даркор. Зеро, у ушбу матчларда Нимцович, Мизес, Тартаковер, Рети, Боголюбов, Шталберг ва бошқа машҳур шахматчиларни ютиб чиққан.

Фикр тиниклигио чуқурлиги, тузилиши ва равонлиги билан ажралиб туровчи бир қанча китоб ҳамда мақолалар муаллифи бўлган. Шпильман 1942 йил 2 августда Стокгольмда вафот этди.

## МАРОКЛИ МАШҚЛАР

Иккала тасвирда ҳам юрши қоралардан. Ўйинни қандай давом эттирардингиз?



Фольклор-этнографик дастасининг ҳар бир қиши олам-олам қувонч бахш этади.

# ЧЕМПИОННИНГ БИРИНЧИ УСТОЗИ

«Мен ўша вақтда вилоят касабда уюшмалари тасарруфидаги кўнгилли спорт жамиятида бокс секциясини бошқарардим. Бир кун хонамга истаралиқкина бир киши ёш йигитча бошлаб кириб келди. «Бу — ўғлим Муҳаммадқодир. Бокс деса, жонини бергудай. Тушигаям чарм қўлқоп кириб чиқади. Имкони бўлса, учтўрт кун синаб кўрсангиз. Агар ундаги иштиёқ шунчаки ҳавас бўлса, яхши гапириб, жавоб бериб юборарсиз».

Шухратбек Абдуллаев шогирди, бугун Ўзбекистонимиз фахрига айланган Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг илк қадами ани шундай эслайди.

Ушанда клубга 150 нафар бола қатнардир. Улар орасида эса янги шогирд тезда кўзга ташланиб қолди. Зотан, устози «Мана бу машғулоти ўттиз марта бажарасан» деса, Муҳаммадқодир эллиқ марта бажарарди. Боз устига астойдил, қора терга пишиб бажарарди. Бошқалар машғулотдан кейиноқ уларига йўл олишса, у устозидан руҳсат сўраб эди:

— Яна озгина шугуллансам майлими? Ҳа, Муҳаммадқодирда ҳақиқий боксчиға хос энг муҳим хислатларнинг куртаги мана-ман деб турарди: гайрат-шижоатга бой, мустаҳкам иродали, бир сўзли. Спортчи камолотиға алоқадор бирор сирини айтсанг бўлди, унга маҳкам ёпишади. Бокс юлдузлари ҳақида сўзлаб берсанг — жон қулоғи билан тинглайди.

Шухратбек Муҳаммадқодирнинг гайрат-шижоатини кўриб, унга катта умид кўзи билан қарай бошлади, машғулот меъёрларини тобора ошира борди. Уни гоҳ ўзидан кичик болалар билан, гоҳ



тенг-тўшлари, гоҳ катта ёшдагилар билан «жанг»га ундади.

— Шунда пишади, шунда тобланади спортчи, — дерди у. — Пичоқчининг меҳнатини кузатганмисан. Пичоқ ўткир, кески бўлсин деб, у пўлатни неча марта лаб ўтдан олиб сувга солади, сувдан олиб ўтга.

Хуллас, Шухратбек севимли шогирдидаги истёвдод куртаклари гунчалашига

## Спортимиз жонкуярлари

эришди. Муҳаммадқодир дастлабки имтиҳондаёқ устози ишончини оқлади: 1991 йилда Саратовда ўтказилган ёш боксчилар ўртасидаги собиқ иттифок турнирида бош совринни қўлга киритди. Орадан бир йил ўтиб, у Ўзбекистон чемпиони сифатида танилди.

— Омин! — оқ йўл тилади биринчи устоз уни янги мурабий Лодин Кўчқоровга топшираётди. — Омадингни берсин, Муҳаммадқодир. Вақти келиб бутун жаҳонга танилсанг, ажаб эмас. Бунинг учун сенда барча имконият бор.

Устоз дуоси ҳозиргача ижобат бўлиб келмоқда: аввал жаҳон кубоги совриндори, кейин жаҳон, икки қарра Осиё чемпиони, Бангкокда бўлиб ўтган Осиё ўйинлари голиби ва нихоят Олимпиада чемпиони!

— Мен ўз галабам билан жонажон Ўзбекистоним номини улугулангандан, Президентимиз ишончини оқлай олганидан бахтиёрман, — деди у Сиднейдан қайтган кун и журналистлар билан учрашувда, — Ҳар бир «жанг» олдида отаонам, биринчи устозимнинг ўғитларини эсладим. Улардан гойибона мадад олдим.

Муҳаммадқодир ҳаво лайнеридан тушиб, ота-онаси қаторида устозларини ҳам бағрига босди, уларга таъзим бажо келтирди.

— Мен сенинг олимпиада голиби бўлишингга ишонардим, — деди ҳаяжон билан Шухратбек Абдуллаев. — Сен фахримизсан, сен, Муҳаммадқодир, сен сабаб мен ҳам бахтиёрман.

М.АБДУКАРИМОВ.

## «МОРИД КОНЦЕРН» ҲИММАТИ

Америкадаги «Морид Концерн» халқаро инсонпарварлик ташкилоти Ўзбекистон халқ таълими вазирлиғи билан ҳамкорликда бир қатор хайрли тadbирларни амалга ошириб келмоқда. Бу нуфузли ташкилот яқинда яна бир ҳиммат кўрсатди.

Унинг сай-ҳаракати билан республикамизга юборилган совға-саломлар Тошкентдаги «Моҳир» махсус мактаб ўқувчиларига ҳаёда этилди. Икки юздан орттиқ мажмуадан иборат бу совғалар орасида кийим-кечаклар, пойфазаллар, ўйинчоқлар ва албатта ширинликлар бор эди. Шуниси эътиборлики, уларнинг айримлари америкалик ўқувчилар қўли билан тайёрланган.

Самарқанд вилоят касабда уюшмалари Кенгаши юридик бўлими мудири — меҳнат ҳуқуқлари бош ноизи Абдуҳамид Саимовга волидаи муҳтарамаси Бувинос аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ISHONCH**

**МУАССИС:**

Ўзбекистон касабда уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир**  
Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Таҳрир хайъати:**  
Ж.Алимуҳаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Соқидов.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Ҳатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маъмули: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гуноҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Ўлчами А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Умумий алади 14,002 нуска. Сотувида эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00